

## Уйғониш давридаги дунёқараш (иккинчи мақола)



15:33 / 20.04.2024 1973

Уйғониш даврига келиб аёлларнинг ҳаёт сарҳадлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Хотиржам, маърифатли, ҳур фикрли, жамиятда жилва қилиб турган, санъатга шайдо, ҳар қандай мавзуда қизиқарли суҳбатдош бўла оладиган аёлнинг юксак тимсоли шакллантирилади. У сочлари, елка-бўйини, билакларини очиб, ҳашамдор либослар ичра, ўзига оро берган холда ўзининг гўзаллигини намоён қилишга ҳаракат қилади. Либосларга тилла, кумуш иплар билан кашта тикиш, қимматбаҳо тошлар ва нафис тўрлар воситасида безак бериш урф бўлади. Гўзал, ясанган, маърифатли аёл ўз жозибаси, латофати билан дунёни мафтун қилишга, унга таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

Идеал сифатида хипча бел, хафақон чехра, сўниқ нигоҳ, итоаткор, ибодат таъсирида тарбия топган аёлларни маъқул кўрган Ўрта асрдан фарқли ўлароқ, Уйғониш даврида жисмоний бақувват нозанинлар тимсолига урғу берилади. Бу вақтга келиб дуркун аёл қомати қадрлана бошлайди. Асл аёл зотини гавдалантирувчи, насл давомчиси тимсоли сифатида ҳомиладор аёллар гўзаллик намунаси ва эстетик жиҳатдан мафтункор ҳисобланган. Жисмоний куч, ички ирода, мақсад сари интилиш, эътироф ва шуҳратга эришиш эркак кўркемлигининг аломатлари саналган. Ренессанс даври инсоннинг ўзига хослигига асосланган гўзалликни талқин қилишнинг турли шакллари яратди.

Буларнинг барчаси Уйғониш даврида руҳий фаолиятнинг асосий кўриниши бўлган санъатнинг жамият ҳаётида роли ошишига олиб келди. Бу ўша давр инсонлари учун худди Ўрта асрларда дин, Янги замон учун фан ва техника бўлгани каби муҳимлик касб этди”.

- Авваллари черков ҳамма нарсага эга чиқиб, олдинги ширк динларга оид ва жамиятдаги мавжуд кўп нарсалар - меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомлик, мусиқо, қўшиқ, саводхонлик кабиларни черковга киритилган эди. Мазкур соҳалардаги кишилар фақат черков учун хизмат қилар эдилар.

Уйғониш даврига келиб, ўша санъат соҳаларининг барчаси черковдан чиқарилди. Уларнинг эгалари черковдан озод бўлган ҳолда фаолият олиб боришни бошладилар. Бошқача қилиб айтилганда қадимда динийлаштирилган нарсаларни қайтадан дунёвийлаштириш бошланди.

Европада аввал черковнинг ҳадсиз ҳисобсиз мулклари, хусусан ерлари дунёвийлаштирилди. Кейин меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомлик, мусиқо, қўшиқ, саводхонлик кабиларни дунёвийлаштиришга ўтилди. Рассомчиликни қай тарзда дунёвийлаштирил -ганини қисман аввалги иқтибосда кўрдик.

Қолган соҳаларни ҳам шунга ўхшаб дунёвийлаштирилди. Аввал антик – қадимий маданиятга қайтиш даъвоси билан уларни черковдаги ҳолатидан бир оз ўзгартирилди. Кейин эса, мазкур соҳаларни аста – секин гуманизм, эркинлик, реализм ва бошқа измлар асосида борган сари черковдан узоқлаштириб, кўнгилхуши, ўйин кулги, шаҳвоний истак, эротика ва порнографияга айлантирилди. Санъат ва адабиётнинг тури ва номи кўпайди. Уларнинг ҳаммасида диндан қочиш, одамнинг нафсини қондириш шиори устин бўлди.

Ушбу йўналиш ҳамма жабҳаларга тарқалди. Фалсафа натурфалсафага айлантирилди. Бу бирикима латинча natura – табиат сўзидан олинган бўлиб, табиатни онг билан тафсир қилишни англатади. Албатта табиатни ўрганиш яхши. Аммо Аллоҳ таолони инкор қилган ҳолда табиатни ўрганиш ҳалокатли экани айна европа уйғониш даври натурфалсафасида ўз самарасини берди. Уйғониш даврининг файласуфлари антик давридаги ўз устозлари изидан бориб табиатни Аллоҳ таолонинг ўрнига қўядиган бўлишди.

Бунинг натижасида уларнинг илмий изланишлари ҳам Аллоҳ таолога куфр келтириш билан «тож» кийди.

*(Давоми бор)*

**«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.